

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 6 апрель, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (10.876)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли тўртта корхона — Андихон механика заводи, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси, махсус механизациялашган йўл станцияси (СПМС) ҳамда «Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамияти ISO-9001 сифат менежменти тизими халқаро сертификатга сазовор бўлди.
- Самарқанд шахрининг 2750 йиллиги муносабати билан республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими томонидан Пайариқ туманида «Самарқанд—ер юзининг сайқали» номли тадбир ўтказилди.
- Марғилонга етиб келган «ЭКОСАН» халқаро ташкилотнинг тўхфалари ортлган поезддаги кийим-бош, кундалик эҳтиёж моллари 10 та мактаб-интернат ўқувчилари, 3 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда 10 миң нафар эҳтиёжмандларга тарқатилди.

- Самарқанд вилояти Нуробод туманининг тоғлар бағрида жойлашган Дайратут қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ушбу иншоотни барпо этишда вилоят инжиниринг компанияси бинокорлари ғайрат кўрсатишди.

- Лапар ва ўлан ижрочилари II анъанавий республика кўрик-танловининг Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги театрда ўтказилган яқунловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари ўзaro беллашдилар. Ҳар бир жамоа ўзи яшайётган худудга хос урф-одат, анъаналарни ифодалаган халқ кўшиқларини куйлади.

- Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган Миллий ўйинлар фестивалининг Қашқадарь вилоят босқичи яқунланди.

- Тошкентдаги «Ўзбекистон» сув спорти саройида 1989-91 йилларда тугилган қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича мамлакат чемпионати бошланди.

- Уч километр масофага тортилган табиий газ қувури Избоскан тумани, «Янги қишлоқ» қишлоғидаги тўртта маҳаллани бирлаштирди. Яъни «зангори олов» Элотан, Бой маҳалла, Урганжи каби маҳаллалардаги 1866 хонадонга кириб борди. Жорий йил охиригача туман газ таъминоти бўлими мутахассислари давлат бюджети ҳисобидан Лугумбек, Тўрткўл, Бўстон, Дўстлик қишлоқлари ҳам газ қувурини ўтказишади.

ЖАҲОНДА

- Эронда мамлакат сув худудини ноқонуний тарзда бузганликда айбланиб қўлга олинган 15 нафар Буюк Британия ҳарбий денгизчилари ватанларига қайтиб боришди. Кеча Лондондаги «Хитроу» аэропортида кутиб олинганидан сўнг денгизчилар иккита ҳарбий вертолётда Девон графлигидаги ҳарбий базага оила аъзолари ва яқинлари билан учрашиш учун жўнаб кетишди.

- Кеча Украина Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Унда сўзга чиққан мамлакат Президенти Виктор Ющенко сиёсий қучлар билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини билдирди.

- Чеченistonнинг янги Президенти Рамзан Қодиров кеча республика парламентида қасамёд қабул қилди. Шундан сўнг Гудермесдаги президент қароргоҳида 2 миңга яқин меҳмонлар иштирокида Қодировнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Маросим давомида Р.Қодировга президент гувоҳномаси топширилди. Айтиш керакки, Россия минтақалари раҳбарлари орасида 30 ёшли Рамзан Қодиров энг ёш президент ҳисобланади.

- Жанубий Ироқнинг Басра шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати оқибатида тўрт нафар Буюк Британия ҳарбийси ҳаётдан кўз юмди.

- Гаага трибунали 1992 йилда собиқ Югославия худудида тинч аҳолини турли қийноқларга солган Драган Зеленовични ҳарбий жиноятларда айбдор деб топиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этди. Д.Зеленович суд жараёнида барча айбларини тан олди.

- Сербия Президенти Борис Тадич расмий Белград Косово мустақиллигини ҳеч қачон тан олмаслигини маълум қилди.

- Чеченistonнинг Веден туманида амалга оширилган махсус операция чоғида Шамил Басаевнинг яқин сафдоши, Чеченistonнинг биринчи Президенти Аҳмад Қодировнинг ўлимига алоқадор бўлган машҳур ҳарбий қўмондон —Хайрулла лақабли Сулаймон Имурзоев ўлдирилди.

- Франциянинг янги йўловчи поездлари қаторига кирувчи TGV тезлик бўйича янги рекорд ўрнатди. Қайта ишланган ва икки қаватли вагонлар билан жиҳозланган TGV тезкор поездни Париж-Страсбург йўналиши бўйича ҳаракатланиб, тезлики соатида 577 километргеча чиқарган. Шу тарафга TGV темир йўлдирақли поездлар ўртасида жаҳон рекордини ўрнатди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 7 апрель кўни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-17 метрге етади. Кеча 6-8, кундузи 14-16 даража илик бўлади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ» ДЕГАН СЎЗЛАР БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АССОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ҲАҚИДА

2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Биринчи қисмидаги «Давлат автомобиль назорати инспекцияси» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 15-модданинг учинчи қисмидаги «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 21-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ГИ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ГИ 818 — 1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 4-модда иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Автомобиль йўллари қучиш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати»;

2) 8-модданинг номидagi «Ўзбекистон автомобиль йўллари қучиш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концернининг» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қучиш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон автомобиль йўллари қучиш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қучиш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 9-модданинг:

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ
Янгиликлар, воқеалар



Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛАРГА БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

— 2006 йилда ташкил этилган корхонамизда 5 нафар хотин-қиз касаначилик асосида фаолият кўрсатади, — дейди «Хатирохоним» масъулияти чекланган жамияти раиси Нафиса Раззоқова. — Улар уйда ишловчи хусусий тадбиркорлар бўлиб, биуртомаларни тез ва сифатли адо этиш баробарида оилаларига, фарзандларига ҳам эътибор қаратишга вақт топишади. Энг муҳими эса хотиржам меҳнат қилишади. Корхонамизга тушган биуртомаларни ўз вақтида бажариб берадиган ушбу касаначиларга юқоридаги Фармонга қўра меҳнат дафтари очилиши, зарур ҳолларда ускуна ва хом ашё билан таъминланиши жуда катта қулайлик бўлди. Ҳозирда турли корхона ва ташкилот, муассасалардан тушган биур-

маларни бажариш билан биргаликда ички бозорни замонавий ва бежирим кийим-кечаклар билан таъминлашга ҳаракат қилаялми. Мохир дизайнер-модельерларимиз янги модалар яратиш устида ишловчи бўлиб, биуртомалар тушмоқда. Шу боис ҳам касаначилар сафини танлов асосида ошириш, 20 та ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган. Чеварларнинг тикув машиналари билан таъминланиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Шарифа ИЛЕСОВА СУРАТДА: корхона раҳбари Нафиса Раззоқова чеварлар меҳнати билан яратилган махсулотларни намойиш этмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган сурат

Ҳасана сатрларда

• **БУГУН** Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежида Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улугбек туман бўлими ташаббуси билан «Абдулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуда ўтказилган адабий-бадиий кеча Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

• **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласи-

да Ижтимоий химоя йилига бағишлаб Юнусобод туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва унинг туман бўлими, туман ўқувчи-ёшлар ижодиёт маркази ҳамда туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири «Ассалом, Наврўз!» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежида «Биз со-

ғлом оила қучишга интиламиз» мавзуда ўқувчилар билан шифокорлар ўртасида ўтказилган очик мулоқот Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловига тумандаги мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Қарор ва ижро

МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎҚУВ КУРСИДА ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАР МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ МАЛАКА ОШИРДИ.

Тадбирда мамлакатимизда мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур синдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий гоъ тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мафҳуравий ва инфорамцион қурашлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишлар-

ни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафҳуравий хуружлардан химоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида маънавият тарғиботчиларининг ўз вазифасига янада масъулият билан ёндашиши, ўз билим ва малакасини муттасил ошириб боришини талаб этаётир.

Ун қун давом этган машғулотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятига оид маърузалар тингланди. Гоъвий ва инфорамцион хуружлар, уларнинг ортида турган қуларнинг гаразли мақсадларини фох қилиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка давват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ГИ 818 — 1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 4-модда иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Автомобиль йўллари қучиш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати»;

2) 8-модданинг номидagi «Ўзбекистон автомобиль йўллари қучиш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концернининг» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қучиш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон автомобиль йўллари қучиш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қучиш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 9-модданинг:

номидаги «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Давлат автомобиль назорати инспекцияси» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 15-модданинг учинчи қисмидаги «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 21-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 апрель
№ УРҚ-82

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА» ГИ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Гаров тўғрисида» ГИ 736 — XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614 — 1-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда:** Куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг қондалари агар «Ипотека тўғрисида» ГИ 736 — XII-сонли Қонунда қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотека билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қўлланилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **10-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Гаров нарасини баҳолаш гаровга қўйиш билан гаровга олунчи ўртасидаги келишувга қўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ гаров нарасини баҳоладан ўтказиш орқали амалга оширилади».

3) **22-модданинг:** **бешинчи қисми** чиқариб ташлансин; **олтинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **27-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гаровга олунчининг талабини гаровга қўйилган қўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувчи гаров нарасига қаратиш учун асослар вуқудга келганидан кейин гаровга олунчининг гаровга қўйиш билан тузилган нотариал тартибда тасдиқланган келишув асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув тўғрисида ҳуқуқлари бузилган шахсининг даввосига қўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

5) **37-41-моддалар чиқариб ташлансин;**

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163 — 1-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256 — 1-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова. № 11-12; 1997 йил, № 2. 56-модда. № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда. № 9, 229-модда. 2001 йил, № 1-2, 23-модда. № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда. № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда. № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритил-

син:

1) **83-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойлиқлари, бинолар, иншоотлар, қўп йиллик доврахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадга номуносив зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгариш мумкин бўлмайдиган объектлар қиради»;

2) **269-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар гаровга олунчига топширилмайди»;

3) **279-модданинг иккинчи қисми** «рад этиш мумкин» деган сўзлардан кейин «қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **280-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гаровга олунчининг талабини гаровга қўйилган қўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувчи гаров нарасига қаратиш учун асослар вуқудга келганидан кейин гаровга олунчининг гаровга қўйиш билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишув асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув тўғрисида ҳуқуқлари бузилган шахсининг даввосига қўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

5) **279-модданинг иккинчи қисмидаги** «туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида амалга оширилиб, ушбу бюро» деган сўзлар «қўчмас мулкка булган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни руйхатдан ўтказувчи органда амалга оширилиб, ушбу орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;


6) **17-моддадаги** «туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида» деган сўзлар «қўчмас мулкка булган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни руйхатдан ўтказувчи органда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7) **4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 апрель
№ УРҚ-83

9 апрель — Амир Темур таваллуд кун



9 апрель кун Сохибқирон Амир Темур таваллуднинг 671 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Амир Темур ва темурийлар даври ҳаётини ўрганиш, уни халқимиз, айниқса ёшлар — мактаб ва коллеж ўқувчилари, талабалар орасида кенг тарғиб қилиш, улуг боболаримизга меҳрур хурмат туйғуларини уйғотиш, қалбларига гурур, фахру ифтихор ҳиссини жойлаш Халқаро Амир Темур жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада жамғарма фаоллари мактаб ва коллежларда, институт ва университетларда ўрашувлар, семинарлар, конференциялар ўтказиб беришга айтиб ўтиш ўринлидир. Масалан, яқинда Қарши Давлат университети, Қашғари педагогика коллежи, Тошкент Давлат юридик институти талабалари билан ана шундай ўрашувлар ўтказилди. Қуни кеча Навоий шаҳрида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Навоий Давлат педагогика институти билан ҳамкорликда Амир Темур таваллуднинг 671 йиллигига бағишланган "Миллатнинг дардларига дармон бўлиб" мавзуда республика миқёсида илмий конференция ўтказилди.

"Темур тузуқлари"нинг янгидан нашр этилиб ўқувчиларга тарқатилиши Сохибқирон тарихини ўрганишда кутлук қадамлардан бири бўлди. Ўзбекистон Марказий банки раҳбарияти ҳамда акциядорлик тижорат "Пахтабанк"нинг моддий ва маънавий ёрдамида альбом типлида "Амир Те-

мур ва темурийлар молия-пул сиёсати" (муаллиф И.Тўхтеев) китоби чоп этилди. «Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти хомийлигида "Амир Темур оламнигоҳида" китоби нашрга тайёрланмоқда. Жамғарма мамлакатимизнинг турли ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритади, тадбирлар, ўрашувлар ўтказиши. Бу борада Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Икки ташкилот биргаликда конференциялар, ўрашувлар, кўргазмалар ташкил қилади, танловлар ўтказиши. Мисол тариқасида "Амир Темур — Кла-

9 апрелда шаҳримизнинг Амир Темур хибонада давлат ва жамоат арбоблари, маҳалла фаоллари, адиллар, олимлар иштирокида ўтказилган тадбир Темурийлар тарихи Давлат музейида давом этади. Чунинчи музейда Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишланган "Самарқанд дурдоналари" нодир буюм-ашёлар кўргазмаси очилди. Музейнинг конференция залида ташкил этиладиган "Сохибқиронни ёд этиб" мушоира-мулоқотида мамлакатимизнинг таниқли адиб ва олимлари, жамоатчилик вакиллари қатнашадилар. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи билимдонини аниқлаб берадиган ҳар йили ўткази-

рилади ва гоилибларни аниқлайдиган турли вазирликлар вакилларида иборат (унинг тарихида фан номзодлари, етакчи мутахассислар бор) ҳайъат эътиборига ҳавола қилинади.

Бу йилги танлов ҳам сермахсул бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Ёшларимизда Амир Темур ва темурийлар тарихига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини кўриб қувонасан киши. Охириги саралаш босқичида ўттиздан ортиқ ишлар танлаб олиниб, ҳайъат муҳокамасига қўйилди. Улар ичида расмлар, илмий ишлар, бадиий асарлар, нодир буюмлар бор. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети тарих факультетининг 4-курс талабаси Севинч Улашова асли Амир Темур туғилган Хўжа Илғор қишлоғидан. У она қишлоғи тарихи билан мактабда ўқиган йилларида қизиқиб келади. Бу қизиқиш университетда ўқиган йилларида айниқса кучайди. Севинч ўзига хос изланишлар олиб борди ва "Хўжа Илғор тарихи" номи монографиясини ёзиб тузатди. Танловга тавсия қилинган ушбу монография тадқиқот материалларининг бойлиги, ишончли манбаларга суянишгани билан эътиборга моликдир. Қўнча қишлоқ тарихини ёритишда ҳам манбаларга, ҳам кишиларнинг хотираларига мурожаат қилганлиги муаллифнинг ўз фикрига эга бўлишга интилишини кўрсатиб турибди. Ҳайъат бир овоздан ёш олимпиада тадқиқотини тарих йўналиши бўйича биринчи ўринга муносиб деб топди. Шунингдек, тасвирий санъат йўналиши бўйича Гулистон Давлат университети 2-курс талабаси Набижон Жумабоев ("Аждодлар довоми" расми), ватанпарварлик йўналиши бўйича Ўзбекистон Қуролли кучлари академияси ўқитувчиси Соибжон Мамажонов ("Амир Темурнинг ҳарбий санъати" ўқув қўланмаси) ва амалий санъат бўйича Тошкент Маданият коллежи 2-курс талабаси Темур Шомансуровларга ("Темурийлар даври безак қўтилари") ҳам биринчи ўринлар насиб этди. Улар "Амир Темур танлови" дипломи ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Тақдирланганлар орасида Навоий, Тошкент, Қўнча, Жиззах, Фарғона ва бошқа шаҳарлар вакиллари ҳам бор.

Амир Темур таваллуднинг 671 йиллигига бағишланган шундай тадбирларнинг мамлакатимизнинг барча гушларидида ҳам кўтаринки руҳда ўтишини маънаулари билан қайд этмоқ жоиздир.

Ортимизда Амир Темурнинг улмас руҳи кезиб юрибди. У бизларни ҳамиша ҳушёр бўлишга, мустақилликни қўлдан бермасликка, қўзланган максаллар сари ҳормай-толмай интилишга чорлайди.

Муҳаммад АЛИ, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СОХИБҚИРОН ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛИБ

УЛУГ БОБОЛАРНИНГ ҲАЁТИ, УЛАРНИНГ ҲАР БИР БОСГАН ҚАДАМИ КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН ҲАМИША ИБРАТ ВА НАМУНА МАКТАБИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. БУ БОРАДА СОХИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ СУРОНЛАРГА ТЎЛА ҲАЁТИ АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ҲАҲОН ТАРИХИДА МОНАНДИ БЎЛМАГАН БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ, БУНЁДКОР, ИЛМУ ФАН ҲОМИЙСИ ВА ВАТАНПАРВАР ИНСОН АМИР ТЕМУР КЎРАГОН УМРИ ҲАЛИ АВЛОДЛАР МЕҲРИНИ ОҲАНРАБОДАЙ ЎЗИГА ТОРТИШИ ШУБҲАСИЗДИР.



вихо — Самарқанд" кўргазмасини келтириб ўтиш мумкин. 9 апрель — Амир Темурнинг таваллуд кунини ўтказадиган тадбирларимиз ҳам ана шу ҳамкорликнинг яхши саҳифалари бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ.

ладиган анъанавий "Амир Темур танлови" эса жуда мазмунли ва қизиқарли тарзда яқунлаштиришга шубҳа йўқ.

Танловда тўрт вазирликка, хусусан, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари ва Мудофаа вазирликларига мансуб бўлган олий ўқув юрталари, институтлар, коллежлар, мактаблар, иждоий уйлар вакиллари қатнашадилар. Бундан мақсад, йирик давлат арбоби ва атоқли саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Сохибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий фаолиятига доир кенг қўламадаги илмий тадқиқот ҳамда илмий-ижодий ишларни яратиш, тасвирий, амалий санъатни ривожлантириш, ёш авлодда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, тарихимизни бойитиш йўналишлари бўйича икtidорли ёшларнинг камол топишига ёрдам беришдан иборат. Танловга тушган ишлар жойларда саралашдан ўтказилиб мақбул қўрилганлари вазирликларга юбо-



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА (ТОШДТУ) «АМИР ТЕМУР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН» МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманинг ялпи мажлиси араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган Амир Темур ва темурийлар давлатига оид манбалар, буюк Сохибқироннинг Урта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли мавзусини ўрганиш бўйича илмий-ташқиллий

Анжуманлар

АМИР ТЕМУР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

ишлар ҳақида ТошДТУ проректори, профессор Карима Норкулова, «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири Раҳбархон Холиқов, тарихчи олимлар Убайдулла Уватов, Омонулла Бўриевларнинг чиқишлари билан бошланди.

Анжуманга шўъбаларга бўлинган «Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги ва манбашунослиги масалалари», «Амир Темур ва те-

мурийлар даври давлатчилиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт», «Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маданият ҳаёти», «Амир Темурнинг ҳозирги замон тараққиётида тутган ўрни» каби йўналишлар бўйича пойтахт ва вилоят олий ўқув юрталаридан 60 га яқин маъруза ва бошқа илмий чиқишлар тақдим этилди. Шунингдек, университет Ахборот ресурслар маркази томонидан мавзуга оид китоблар

кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ушбу анжуманда ўша даврдаги илм-фан, маънавият ва маданиятнинг ривожланишида Амир Темур тузган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий заминини муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги, чоп этилган адабиётлар мисолида Республика мустақилликка эришгандан кейинги йилларда темурийлар даврига оид тарихий манбаларни ўрганишга эътибор кўчаганлиги таъ-

Руслан Чагаев:

«ШТУТГАРТДА ҒАЛАБАМ ШАРАФИГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛИШИ УЧУН БУТУН КҮЧ ВА ИМКОНИАТИМНИ ИШГА СОЛАМАН»

ДУНЁДАГИ ПРОФЕССИОНАЛ БОКС ИШКИБОЗЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАР ШУ ЙИЛ 14 АПРЕЛЬ КУНИ ШТУТГАРТ (GERMANY)ДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАКИЛИ РУСЛАН ЧАГАЕВ ҲАМДА УНИНГ РОССИЯЛИК РАҚИБИ НИКОЛАЙ ВАЛУЕВ ЎРТАСИДА ЭНГ ОФИР ВАЗН ТИОҒАСИДА WBA ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАҲОН ЧЕМПИОНИ УНВОНИ УЧУН БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЖАНГНИ САБРСИЗЛИК БИЛАН КУТИШМОҚДА.

Мутахассислар рингини бирон марта ҳам мағлуб бўлиб тарк этмаган бу икки таникли спортчининг ўрашувида жаҳон боксининг жорий йилдаги энг муҳим воқеаларидан бири сифатида қарашмоқда.

Ўзбекистон бокс мактаби бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, Олимпиада уйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал боксда кўп карра жаҳон чемпиони Артур Григорян ва бошқа "чарм қўлқоп" усталари номларини эслашнинг ўзи кифоя. Энг оғир вазнлилар беллашувида ватандошимиз Руслан Чагаевнинг профессионал боксдаги юксак унвон учун рингга чиқиши Ўзбек бокс мактабининг нуфузини яна бир поғона юқорига кўтаришига шубҳа йўқ.

Жиддий мусобақалар олдида ном қозонган боксчилар ОАВ вакиллари билан ўрашуш ва интервюлардан ўзларини тортишга ҳаракат қилишади. Бироқ бизнинг боксчимиз Ўзбекистондаги кўп миллионли мухлисларига ўзининг чўқур хурматиини изҳор этган ҳолда, ҳал қилувчи мусобақа арафасида "Жаҳон" АА муҳбирининг саволларига жавоб беришга

розиллик билдирди. — Руслан, бутун дунёдаги сингари Ўзбекистонда ҳам барча бокс мухлислари Россиялик Николай Валуев билан энг оғир вазн тифасида WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони унвони учун бўлиб ўтадиган мусобақани сабрсизлик билан кутишмоқда. Юртдошларингиз олдинда турган мазкур беллашувга тайёргарлик қандай бораётгани, руҳингизнинг тетиклиги билан қизиқишаётгани маълум.

— Тайёргарлик жараёни икки босқичдан иборат эди. Шверин шаҳрида саралаш босқичи бўлиб ўтди. Мурабийим Михаил Тимм билан жуда жиддий машқларни бажардик, кўп югурдик, штанга кўтариш ва бошқа тайёргарликларни кўрдик. Ҳозир Гамбург шаҳрида жангга ҳозирликнинг иккинчи босқичи ниҳоясига етмоқда. Сўнги икки ҳафта мобайнида биз фаол спарринг машқларини ўтказмоқдамиз.

— Рақибингиз сиздан буйи хижатдан ҳам, вазн хижатдан ҳам анчагина устун. Бу сизга қийинчилик туғдирмайдими? — Албатта, буйи ҳамда вазн хижатдан у мендан устун, лекин бу хижат, ўйлашимча, унга мутлақ устунлик беролмайди. Тўғри, у каби рақиб билан беллашиш бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқара-

ди. Шунини инобатга олган ҳолда, биз машғулотлар чоғида жисмоний кўрсаткичлари Н.Валуевникига ўхшаб кетадиган боксчиларни рақиб сифатида танладик. Жумладан, спарринг-шерикларимдан бирининг буйи икки метрга тенг эди, бироқ вазн хижатдан у россиялик боксчидан анча енгил. Бошқа бир шеригим эса буйи икки метр бўла туриб, вазни 160 килограммга яқин эди. Шу йўл билан мен жангга пухта тайёргарлик кўришга муваффақ бўлдим.

Бундан ташқари, рақибим билан бўлажак жанг тактикасини ҳам яхши ўзлаштирдим. Голиб чиқиш учун ўзимдаги барча куч ва имкониятни ишга соламан.


— Жанг давомида қандай усулни қўлламоқчисиз? — Ягона қарорини рингга чиққандан сўнггина қабул қиламан.

— Ўзбекистондаги кўп сонли мухлисларингизга айтмоқчи бўлган тилақларингиз борми? — Ватандошларим ва мухлисларимга самимий саломларимни йўллаган ҳолда, улар мени доимо қўллаб-қувватлаб келаятганлари учун чўқур миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Жонажон Ўзбекистоннинг байроғи 14 апрель кун Штутгартда баланд кўтарилиши, бутун дунёга Ўзбекистон профессионал боксдаги энг нуфузли супер оғир вазн тифасида ўз жаҳон чемпионига эга эканини кўрсатиб

кўрсатиб кидланди.

Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, тақдим этилган махсус танловдан ўтган маъруза ва бошқа илмий чиқишларни тўпلام ҳолида чоп этишга қарор қилинди. Бу аса темурийлар даврини ўрганиш бора-борасида фикр алмашиш, иждоий фикрлашда, янги йўналишларни белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ




қўйиш учун барча имкониятимни ишга солишга ваъда бераман! Дароқе, бизнинг яна бир машҳур боксчимиз Артур Григорян муҳим жангга тайёрланиш жараёнида Руслан Чагаевга кўмаклашмоқда. Кўп бора жаҳон чемпионининг тажрибаси ва қўллаб-қувватлаши ҳамортишимизга чемпионлик камарини қўлга киритишда ёрдам беришига ишонамиз.

Руслан Чагаевнинг мурабийи Михаил Тимм ўз шоғирдининг бўлажак беллашувга тайёргарлик кўриши тўғрисида фикрлари билан ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Николай Валуев билан бўлажак жангга бир неча ҳафтадан буюн қизгин тайёргарлик кўриб келмоқдамиз. Машғулотларнинг бошиданоқ Руслан бўлажак беллашув тактикасини белгилаб олди. Умид қиламанки, у ўз гоғларини тўлиқ ишга солишга муваффақ бўлади. 14 апрелда қадар биз яна бир неча маротаба 12 раундлик спарринг жангларини ўтказиш ниятидамиз. Умид қиламизки, улардан сўнг Руслан спорт формасининг чўққисига чиқишга муваффақ бўлади. У ўз олдига қўйилаётган вазифани аниқ билади ва жаҳон чемпиони бўлишига ишончи комил. Уни ҳар кун фақат галабага тайёрлаймиз ва онгига жангдан сўнг ҳақам айнан унинг қўлини баланд кўтариб, у ўз ҳаётидаги энг муҳим галабага эришганини эълон қилишига бўлган ишонччи сингдирамиз.

Ҳа, мурабийнинг қатъий сўзлари кишини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Умид қиламизки, унинг барча кўрсатмалари бажарилади ва миллионлаб ўзбекистонликлар 2007 йил 14 апрел кун боксчимиз галабасини шоданоналар билан қарши олишади.

Жаҳон" АА Гамбург.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эй фалон, сўхти халойикро, Мулқро шиддати ту вайрон кард. Оташеро, ки чун ту сўзанда аст, Жуз бакушан илож навтон кард.

Эй фалончи, халойиқни куйдирдинг, сенинг газабинг мамлакатни вайрон қилди. Сен каби иши куйдириш бўлган ўрни ўчиришдан бошқа чора йўқдир.

Эй, ки назми суҳанварони жаҳон Мекуни нафи, шеъри худ таҳсин. Нестанд ахли донишу инсоф, Ки бувад ин чуннашон оин. Хунари хешу айби кас диди. Нести кўр, акси ин ҳам бин.

Эй, жаҳон сўз усталарининг назмини инкор қилиб, ўз шеърини мақтовчи! Бундай ишни одат қилиб олган кишиларнинг ўзи илму инсоф ахлидан эмаслар. Ўзининг фазилатингни-ю ўзгаларнинг айбини кўрасан, агар кўр бўлмасанг, бунинг аскини ҳам бир кўр!

Эй ганий, аз мол базли ахли истехқок кун, Вақтро фурсат ганимат дор аз баҳри қарам.

Дар жавони барфишон ҳар сўз дирамро, пеш аз он, К-ў фитад аз раъшаи дастат гаҳи пири дирам.

